


Н.В. ГОГОЛЬ

ШИНЕЛЬ



ЎзССР Давлат Нашриёти
Тошкент — 1953

На узбекском языке

Н. В. ГОГОЛЬ

ШИНЕЛЬ

Госиздат УзССР — 1953 — Ташкент

Таржимон *Х. Аҳорова*

Редактор *М. Раҳмон*

Рассом *И. Циганов*

Техредактор *Я. Пинхасов*

Корректор *Ш. Зухриддинов*

* * *

Теришга берилди 18/IX 53 й. Босишга
рухсат этилди 11/XI 53 й. Р 08 12.
Қоғоз $70 \frac{92}{32} = 0,813$ қоғоз л. — 1,9
печ. л. Нашр. л. 2,4. Индекс н/а.
Договор № 76—53 й. Тиражи 15000.
Баҳоси 60 т.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги
Ўзглавиздатининг 1-нчи босмаҳонаси.
Тошкент, 1953. Ҳамза кўчаси 33.
Заказ № 384.



Департаментда¹... яхшиси, қайси департаментда эканини айтиб ўтирмайлик, — турли-туман департаментлар, идоралар, маҳкамалар ва хуллас, хилма-хил мансабдорлар табақасидан кўп нарса йўқ. Ҳозирги замонда *ҳарқандай одам ҳам ўзига бўлган ҳақоратни бутун жамиятга бўлган ҳақорат деб билади. Айтишларича, яқин кунлардагина, билмадим аллақайси шаҳарнинг бир капитан-исправнигидан² ариза тушибди. Шу аризада у киши давлат томонидан чиқарилган қарорлар поймол қилинаётганини, ўз муборак номи ҳечбир зарур бўлмаган ўринларда тилга олинаётганини очикдан-очик ёзиб нолибди. Бунга далил қилиб аллақандай романтик асарнинг жуда катта бир томини ўша аризага илова қилибди. Бу асарнинг ҳар ўн бетидан кейин бир капитан-исправник, ба'зан эса ҳатто ғирт маст бир ҳолда, намоён бўлар эмиш. Шундай қилиб, турли хунук ҳоллардан сақланмоқ учун, унинг тўғрисида сўзланмоқчи бўлинган департаментни бир департаментгина деб ўтамиз. Шундай қилиб, бир департаментда мартабаси кўп ҳам

¹ Департамент — Чор россиясидаги министрликлар ва бошқа давлат идораларининг бўлими номи.

² Капитан-исправник — Уездда капитан унвонидаги полиция вакили.

улуғ бўлмаган бир чиновник хизмат қилар эди. У, паст бўйли, бироз бужурроқ ва бирсз мал-лароқ, ҳатто бироз кўрнамо, пешонасидаги сочи бироз тўкилган, юз ёноқлари ажинлик ва бавосир касалига мубтало экани юзидан кўриниб турган бир киши эди. На чора, айб Петербургнинг об-ҳавосида! Энди у кишининг амали масаласига келсак (чунки бизда энг аввал амални билдирмоқ лозим), у индамас одамларга ёпишишни одат қилган турли ёзучилар иложлари борича майна ва мазах қиладиган абадий титулярний советниклар¹ жумласидан эди. Бу чиновникнинг фамилияси Башмачкин эди. Мана шу номнинг ўзидан бу фамилия «бошмоқ» сўзидан келиб чиққани кўриниб турибди; лекин бу сўзнинг қачон, қайси вақтда ва қандай қилиб бошмоқдан келиб чиққани ҳақида маълумот йўқ. У кишининг отаси ҳам, бобоси ҳам, ва ҳатто қайнағаси ҳам, хуллас, ҳамма Башмачкинлар ҳамиша этик кийиб юрар ва йилда уч марта таг чармини янгилатар эдилар. У кишининг номи Акакий Акакиевич эди. Бу ном, балки, ўқучига бироз ғалатиروқ ва атайлаб топилгандай туйилар, лекин ўқучиларни ишонтирмоқ мумкинки, бу ном атайлаб ўйлаб топилган эмас. Шароитнинг тақозаси блан босиқа ном қўймоққа илож қолмаган. Бу воқиа шундай бўлган: агар янглишмасак, Акакий Акакиевич 23 мартга ўтар кечаси туғилган. У кишининг чиновник хотини бўлмиш ва кўп ях-

¹ *Титулярний советник* — Чор россияси даврида гражданлик хизматидаги ўртача унвонлардан бири.

ши аёл бўлган марҳума онаси боласига ном қўйиш маросимига яхшигина тайёрланган. Онаси ҳали у вақтда эшик рўпарасидаги кроватда ётар эди, унинг ўнг томонида сенатда столоначальник¹ бўлиб хизмат қилган «отахони» Иван Иванович Ерошкин деган жуда яхши бир одам блан «онахони» квартал офицери-нинг² хотини ва ажойиб саҳий аёл Арина Семёновна Белобрюшкова турар эдилар. Боланинг онасига уч номни тақдим этиб, шулардан бирини танлашни, я'ни Моккия, Соссия ё бўлмаса риёзаткаш Хоздазат номини қўйишни айтдилар. «Ўўқ,— деб ўйлади марҳума,— ҳаммаси ҳам аллақандай бўлмағур номлар». Унга ма'қул ном топмоқ учун календарьнинг бошқа саҳифаларини очдилар; Трифилий, Дула ва Варахасий деган уч ном чиқди. «Вой, шўрим қурсин,— деб ғудранди кампир,— ҳаммаси ҳам бўлмағур номлар, ростини айтсам, умримда бунақа номларни эшитмаганман. Варадат ё Варух бўлса ҳам майли эди. Трифилий ёки Варахасий эмиш-а». Яна бошқа саҳифаларини очдилар: Павсикахий ва Вахтисий деган номлар чиқди. «Бас энди,— бўлди,— деди кампир:—боланинг толи'и шу экан. Ундай бўладиган бўлса, отасининг номини қўйганимиз яхшироқ, отасининг номи Акакий эди, майли, ўғли ҳам Акакий бўлақолсин». Ана шундай қилиб, у кишининг номи Акакий Акакиевич бўлиб қолди. Болани чўқинтиришди; шунда бо-

¹ Маҳкамада яш бошқаручи чиновник.

² Даҳа бошлиғи.

ла бирам йиғлаб, бирам қилиқлар қилдики, бу блан гўё ўзининг титулярний советник бўлишини сезгандек эди. Хуллас бутун иш шу йўсинда битди. Бизнинг бунни айтиб ўтишдан мақсадимиз, бу ишлар батамом зарурат юзасидан қилинганини ва бошқа ном топишнинг сра иложи бўлмаганини китобхонларга очиқ-ойдин кўрсатишдир. У кишининг департаментга қачон ва қай вақтда кирганини ва ким жойлаштириб қўйганини ҳечким эслай олмасди. Қанча директорлар ва турли-туман бошлиқлар келиб кетдилар. Шунда ҳам бу кишини ҳамон бир жойда, ҳамон бир вазиятда, ҳамон бир мансабда, ҳамон ўша хат ёзучи чиновник мансабида кўрар эдилар; шунинг учун у кишининг вицмундир¹ кийган ва тепакал ҳолда, дун'ёга таппатайёр бўлиб келганлигига ишонч ҳосил қилар эдилар. Департаментда уни ҳечким ҳурмат қилмас эди. У ўтиб кетаётганида қоровуллар ўринларидан туриш у ёқда турсин, худди қабулхонадан оддий бир чивин учиб ўтгандек, унга ҳатто қиё боқиб ҳам қўймас эдилар. Бошлиқлар унга совуқ ва қўпол муомала қилар эдилар. Бирорта столэначальник муовини ҳам ҳатто: «мана бунни кўчириб қўйинг», ёки: «сизга жуда ғалати бир иш топиб келдим», ё бўлмаса ба'зи одобли идорадагилар ишлатадиган ширин сўзларни айтиб ўтирмасдан, қоғозларни унинг бурни ёнидан келтириб чўзар эдилар. У ҳам қоғозга бир кўз ташлагач, қоғозни берган ким ва уни беришга ҳақи борми-йўқлигига қарамай

¹ *Вицмундир* — революциядан бурун оддий амалдорлар киядиган форма.

олиб қолаверарди. Қоғозни олган ҳамон кўчиришга тайёрланабошларди. Ёш чиновниклар бор бўйича уни мазах қилиб, ундан кулардилар, унинг ўзи тўғрисида тўқилган ҳархил ҳикояларни ўзига эшитдириб гапирар, у ўтирган ҳовлининг эгаси — етмиш яшар кампир ҳақида сўз очиб, кампирнинг уни тутиб олиб урганларидан гапирар, уларнинг тўйлари қачон бўлишини сўрашар, «қор ёғди» деб унинг бошидан қоғоз сочиб ўйнардилар. Лекин, Акакий Акакиевич, гўё олдида ҳечким йўқдек, буларга дамани ҳам чиқармас эди; бу нарсалар ҳатто унинг ишларига та'сир ҳам қилмас: шундай ғалвалар ичида туриб ёзган хатидан бирорта хато чиқмас эди. Ҳазиллар ҳаддидан ошиб, ма'мурлар унинг қўлидан ушлаб, ишга ҳалақит берабошласалар, шундагина у: «Қўйсангизчи, нега бунча озор берасиз кишига?» деб қўярди. Унинг бу сўзларида ва у сўзлар айтилган овозида аллақандай бир мунг асари бор эди. Унинг овозини эшитганда одамнинг раҳми келиб кетарди. Яқиндагина хизматга кирган ёш бир йигит, бошқалардан ибратолиб уни мазах қилмоқчи бўлган эди ҳамки, лекин, негадир, бирданига таёқдек қотиб қолди ва ўша ондан бошлаб унинг назарида гўё ҳамма нарса ўзгариб кетгандек ва бошқа рангга қиргандек бўлди. Аллақандай ғайри табиий бир куч, яхши ва кибор одамлар деб таниган шерикларидан унинг кўнглини соvuтиб юборди. Шундан сўнг, доим, энг хурсанд бўлган вақтларида ҳам унинг кўзига паст бўйли, тепакал: «Қўйсангизчи, нега бунча озор берасиз кишига?» деган сўзларни та'сирли қилиб

гапирадиган чиновник кўринадиган бўлди. Бу та'сирли сўзлар тагида «Мен сенга биродар бўламанку» деган сўзлар бор эди. Шундай қилиб бу ёш йигит хижолатдан қўли блан юзини тўсар ва инсонгарчилик деган нарсанинг камлигини, мулойим, тарбияли, кибор одамлар орасида ва ҳатто, ё рабби! халқ олижаноб ва номусли деб таниган одамлар орасида ҳам мудҳиш дағалликлар яшириниб ётганини кўриб, умрида кўп марта титраб тусарди.

Ўз вазифасида шу қадар яшаб ўтган одам ҳечқаерда бўлмаса керак. Берилиб ишларди десак озлик қилади; йўқ, у, севиб ишларди. Унинг шу кўчириб ёзиши ўзи учун аллақандай ўзгача ва ёқимли бир дунё эди. Ишдан завқ олганлиги юзидан кўриниб турарди; ба'зибир ҳарфлар унга севган ёрдай кўринар, шуларга етишақолса ўз-ўзини йўқотиб қўяр, я'ни мийида кулиб қўяр, кўзларини қисар, лабларини турли мақомга солар, хуллас, қайси ҳарфни ёзаётганини унинг юзидан билса бўларди. Агар унга, тиришқоқлигига яраша мансаб ва даражалар берилиб борилса, балки, ўзи кутмаган ҳолда, статский советник¹ даражасигача етиб борарди; лекин у, пичингчи шериклари айтгандай, шинельга тугмаю, белига бавосир касалидан бошқа нарса ортдираолмади. Шу блан бирга, унга ҳечбир парво қилмасдилар, деб ҳам бўлмайди. Бир директор, ўзи яхши одам бўлганлигидан, унинг узоқ йиллар қилган хиз-

¹ *Статский советник* — граждан хизматидаги юқори даражадаги унвонлардан бири.

матини тақдир қилмоқ мақсадида, унга ўзининг ўша оддий кўчириб ёзиш ишидан кўра муҳимроқ бир иш беришга буюрди, я'ни ёзилиб тайёр қилиб қўйилган қоғозни бошқа бир идора номига айлантириб ёзмоқ вазифасини топширди; бу ишни бажармоқ учун идорачинг номини ўзгартмоқ, ба'зи жойларда фе'лларни биринчи шахсдан учинчи шахсга айлантирмоқ кифоя эди. Бу иш унга шу қадар оғир бўлдики, терлаб-пишиб кетди, пешонасидаги терларини артиб туриб, ниҳоят: «Қўйинглар, яхшиси, менга кўчирадиган нарсадан беринглар» деди. Шундан бери унч кўчириб ёзиш ишида қолдирдилар. Унинг кўзига шу кўчириб ёзиш ишидан бошқа ҳечнарсаси кўринмас эди. У кийим-бош тўғрисида сира ўйламасди, унинг вицмундири кўк эмас, аллақандай сарғиш-бўз тусда эди. Унинг ёқаси энсиз ва тор бўлиб, бўйни узун бўлмаса-да, ёқасидан чиқиб турар ва рус ажнабийлари¹ бошларида ўнталаб кўтариб юрадиган, бошларини ликиллатадиган гипс мушукчанинг бўйнига ўхшаб ҳаддан зиёда узун кўринар эди. Бунинг устига вицмундирга ҳамавақт бирор нарса: ё хас-хашак парчаси, ё бирорта узук ип ёпишиб турарди; бунинг устига у кўчада кетаётганида, одамлар деразадан ахлат тўкаётган пайтда деразага тўғри келиб қолиш ҳунари бор эди; шунинг учун шляпаси устида ҳам доим қовун-тарвуз пўчоқлари ёки шунга ўхшаш нарсалар бўлар эди. У бутун умрида бирор марта бўлсин кўчада нималар бўлаётганига сарасан солмаган

¹ Бу ерда аттор ма'носида.

эди, ҳолбуки, у кишининг ёш биродари бўлмиш чиновник бундай нарсаларга жуда қизиқиб қарарди, унинг кўзи шу қадар ўткир эдики, кўчанинг нариги бетидаги йўлкада кетаётган бировнинг шимидаги боғичи узилиб кетганини ҳам кўрмай қолмасди ва шунда доим мийиғида қулиб қўярди.

Аммо Акакий Акакиевич нимага қараса унда ўзининг чиройли ва текис қилиб кўчирилган сатрларнигина кўрар, ундан кейин агар бехосдан бирорта отнинг тумшуғи келиб у кишининг елкасига қўнса ва бурнидан чиққан пишқириқни шамол сингари юзларига урса, шундагина ўзининг сатрлар ўртасида эмас, кўча ўртасида кетаётганини пайқарди.

Уйига қайтиб келиши бланок, стол ёнига ўтириб, карам шўрвасини ичар, пиёз аралаш бир бўлак мол гўштини, мазасини ҳам билмасдан, ичига тушган пашшаси борми, бошқаси борми, ҳаммасини апил-тапил тушираберарди. Қорнининг қаппаябошлаганини пайқагач, ўрнидан турарди-да, сиёҳдончасини олиб, уйига келтирган қоғозларни кўчиришга ўлтирарди. Агарда кўчириш учун қоғоз келтирмаган бўлса, ўз хурсандчилиги учун, атайлаб нусха кўчирарди, айниқса, агар қоғоз жумла тузилишининг яхшилиги блан эмас, балки бирор танилмаган ёки мартабаси улуғ кишига ёзилган бўлса, ўзига нусха кўчириб оларди.

Ҳатто Петербургнинг кулранг осмони қоронғилашиб, барча чиновниклар, ҳарқайси ўз ҳолича, оладиган ойлиги ва ўз нафсининг хоҳишига қараб, еб-ичиб қорнини тўйғазиб олган пайтларда ҳам, — департаментда ҳамма перо-

нинг қитирлатишдан, тиниб-тинчимас одам ўзига керагидан ҳам ортиқ юклаб олган, ўзининг ва бошқаларнинг ишини битириш учун югуриб-елишдан тўхтаб дам олаётганида ҳам Акакий Акакиевич хонасидан бошини чиқармас эди. Ба'зи чиновниклар қолган вақтларини кайф-сафога бағишламоқчи бўлган вақтларда: эпчилроқлар театрга югуриб, бошқа бировлар шляпаларни тамоша қилиш учун кўчага ошиққан бир вақтда; яна бировлар афтига упаликни чапиб олган бирорта қизга, я'ни амалдорлар доирасида ҳаммани ўзига мафтун қилган гўзалга хушомад қилиш билан вақт ўтказиш учун кечага йўналиб қолган чоқда ҳам Акакий Акакиевич ҳеч қаёққа бормас эди. Бошқа бировлар, бунақалар кўп учрайди, тушда овқатланиш ва сайр қилиш каби кўп нарсалардан воз кечишнинг эвазига келган модада бўлган лампа ёки шунга ўхшаш бошқа бир нарсалари бор, тўртинчи ёки учинчи қабатдаги йўлак ёки ошхонаси билан иккита кичкина хонани эгаллаган оғайнисининг олдида чиқишга ошиққан пайтда ҳам, хуллас, ҳатто барча чиновниклар ошналарининг кичик-кичик хоналарига бир тийинлик сухари билан стаканда чой ҳўплаб, узун чубукларини чекиб рус киши-си ҳечқачон ва ҳечқандай шароитда бош тортмайдиган юқори табақа аҳлларида эшитган биронта ғийбатни сўзлаб ўтириб штурмовой вист¹ ўйнаш учун ошналарининг кичик-кичик хоналарига тарқаладиган пайтда ҳам, ёинки гаплашадиган гап қолмаган тақдирда Фалько-

¹ Штурмовой вист — карта ўйинининг бир хили.

нет монументидаги¹ отнинг думи кесиб олингани ҳақида комендантга хабар берилгани тўғрисидаги латифани гапириб ўтирадиган пайтда ҳам, хуллас, ҳамма кўнгил очишга берилган пайтда ҳам Акакий Акакиевич ҳечқандай ўйин-кулги ёки тамошага қизиқмас эди. Ҳечким ҳам уни бирор улфатчиликда кўрдим деб айтолмасди. Маза қилиб ёзиб бўлгач, эртага худо қандай нарсаларни кўчириб ёзишни на-сиб қилар экан, деган ўй блан жилмайиб кулиб, ухлаб кетарди. Йилига тўрт юз сўм ойлик олиб, шу блан ўз тақдиридан рози бўлабилган бир кишининг тинч умри мана шу зайилда ўтар эди; ёлғиз титулярний советникгина эмас, балки тайний, действительний, надворний ва шунга ўхшаш турли советникларнинг², ҳатто ҳечкимга кенгаш бермайдиган, ўзи ҳам ҳечкимдан кенгаш олмайдиганларнинг ҳам умр йўлида дуч келинадиган ҳархил боло-қазолар бўлмаганда эди, балки қариб-чириб кетгунча ҳам ҳаёти шу зайилда ўтган бўларди.

Петербургда йилига тўрт юз сўм ёки шунга яқин ойлик оладиганларнинг катта душмани бор. Бу душман, гарчи уни жуда кучли деб айтишса ҳам, ўзимизнинг шимолга хос қаттиқ совуқнинг ўзгинасидир. Эрталаб соат тўққизларда, кўчалар департаментга кетаётганлар блан тўлиб тошган бир вақтда изғирин шамол, ҳеч суриштириб ўтирмай, ҳамма бурунларни

¹ *Фальконет монументи*—Петербургда Петр I нинг отга миниб турган ҳайкали. Бу ҳайкални ҳайкалтарош Фальконет ишлаган.

² *Советник* — Чор россиясида маҳкамалардаги мансабнинг номи, маслаҳат беручи ма'носида.

шундақа ачитадики, бечора чиновниклар бу-
рунларини қаёққа қўйишни билмай қоладилар.
Ҳатто юқори мансаб эгаларининг ҳам совуқдан
пешоналари оғриб, кўзларидан милт-милт ёш
чиққан пайтда ҳам бечора титулярний совет-
никлар ба'зан жуда ноилсж қоладилар. Шун-
дай пайтларда совуқдан қутилиш учун юпқа
шинельда беш-олтита кўчани мумкин қадар
тезроқ чопиб ўтиб, идора эшигидан киргач,
хизмат ва вазифаларнинг бажарилиши учун
лозим бўлган ва йўлда совуқ еб музлаб қол-
ган ҳунар ва билимлар батамом эриб жойига
келмагунча йўлакда депсиниб тураверади-
лар. Акакий Акакиевич босиб ўтилиши зарур бўл-
ган шу масофани мумкин қадар тезроқ югуриб
ўтишга ҳаракат қилсаям, елкаси блан орқаси
анчадан бери жизиллаётганини сезабошлади.
Ниҳоят у, «шинелимнинг бирор жойи лат ема-
ганмикан?» деган ўйга келди. Уйига келиб ях-
шилаб кўздан кечиргач, шинельнинг икки-уч
ери, я'ни орқаси блан елкаси худди докадек
сузилиб кетганини кўрди: шинельнинг мовути
шу қадар тўзган эдики, кўзингизга яқин кел-
тирсангиз, нариги томони базўр кўринар ва ас-
тари ҳам титилиб, оқиб тушган эди. Чиновник-
лар Акакий Акакиевичнинг шинелини ҳам
эрмак қилиб юришларини айтиб ўтиш керак;
ҳатто уни шинель деган улуг сифат номдан
махрум этиб, капот¹ деб атардилар. Ҳақиқатан
ҳам унинг тузилиши жуда ажиб эди, ёқаси
бошқа жойларига ямоққа ишлатилаверганидан
йилдан-йилга кичрайиб борарди. Ямоқларда

¹ Капот — хотинларнинг уй ичида киядиган кенг
кўйлаг.

машиначининг ҳунармандлиги сра кўринмас, аллақандай хунук ва бесўнақай бўлиб чиқар эди. Бу аҳволни кўрган Акакий Акакиевич шинельни қўронғу зинадан чиқиладиган тўртинчи қабатнинг аллақаерида турадиган ҳушёрлигида ёки бошида бирон ташвиши бўлмаганида, кўзининг ғилайлиги ва юзининг чўтирлигига қарамай, чиновник ва бошқаларнинг панталонлари ва фракларини дурустгина қилиб тикадиган Петрович деган машиначига олиб бориш керак деган фикрга келди. Бу машиначи тўғрисида гапни чўзиб ўтирмасак ҳам бўлар эдику-я, албатта, лекин повестьда ҳарбир шахснинг характерини очиб кўрсатиш одат бўлиб қолгани учун, чор-ночор, Петровични ҳам тасвирлашга тўғри келади. Бу одам авваллари соддагина Григорий деб аталар ва ўзи аллақандай бир бариннинг крепостнойи эди; крепостнойликдан озод бўлиб, турли байрамларда зўр бериб ичабошлагач: аввал катта байрамларда, кейин эса, суриштирмасдан календарьда бутшақли солинган диний байрамларда ҳам ичаверадиган бўлгандан буён Петрович деб аталадиган бўлиб қолди. Бу жиҳатдан ота-боболарининг одатини маҳкам ушлар, хотини блан айтишган пайтида уни жаҳонгашта ва немиссан деб атарди. Биз бунда хотини ҳақида оғиз очганимиздан кейин энди у тўғрида ҳам бир-икки оғиз сўз айтиш керак, лекин, афсуски, Петровичнинг хотини бор бўлиб, у хотиннинг бошига рўмол ўрамай, чепчик кийиб юриши; ҳусни у қадар чиройлик ҳам эмаслиги; ёлғиз гвардия солдатларигина у кишини кўрган вақтда чепчик остидан қараб, мўйлабларини қимирлатиб,

аллақандай «оҳ» тортиб қўйишларидан бошқа нарсани билмаймиз.

Акакий Акакиевич, Петровичнинг уйига кириладиган зинадан чиқатуриб, инсоф юзасидан шунини айтиб ўтиш керакки, бу зинада ҳам Петербург уйларининг ҳовли томондан кириладиган зиналаридаги сингари сув ва мағзавалар тўкилган бўлиб, кўзни ачиштиручи шилтир ҳиди анқир эди,— шу зинадан юқорига кўтарилар экан Акакий Акакиевич, Петрович шинелини тузатиб бериш учун қанча ҳақ сўрашини ўйлар, икки сўмдан ортиқ бермайман деб хаёлидан ўтказиб ҳам қўйди. Уйнинг эшиги очиқ эди, чунки машиначининг хотини аллақандай бир балиқни пишираман деб ошхонани шу қадар тутунга тўлдириб юборган эдики, ҳатто суваракларни ҳам кўриб бўлмасди. Акакий Акакиевич ошхона орқали кирди, унинг ўтганини уй бекаси ҳам пайқамай қолди, уйга кириши бланок у бўялмаган кенг стол устида турк пошшоси сингари чордона қуриб ўтирган Петровични қўрди. Ишлаб ўтирган ҳамма машиначилар сингари у ҳам ялангоёқ эди. Ҳаммадан бурун Акакий Акакиевичнинг кўзига ташланган нарсаси машиначининг унга яхши таниш бўлган, худди тошбақа косасига ўхшаш бақувват, йўғон ва хунук тирноқли бошмолдоғи бўлди. Петровичнинг бўйнида бир ўрам ипак блан ип осилган, тиззасида эса аллақандай эски нарсаси ётарди. У, уч минутдан бери игнага ип ўтказалмай гаранг, шунинг учун қоронғиликдан ва ҳатто ипдан ҳам қойилган, «ҳа» деб ўзича гудранарди; «сра ўтмаяпти, бу ла'нати, мени хуноб қилдинг, касофат!» Петровичнинг жаҳли чиқиб

турганда келиб қолганига Акакий Акакиевичнинг кўнгли гаш бўлди: у Петровичнинг кайфи бироз тарақлаган пайтда ёки хотини айтгандай, «бир кўзли шайтон мириқиб ичиб олган» пайтда келиб бирор нарса буюришни яхши кўрарди. Бундай вақтларда Петрович одатда камроқ хақ олишга кўнар, дарров гапга кирақолар, ҳа деб та'зим қилиб миннатдорчилик билдираверарди. Лекин, кейин хотини келиб, эри маст бўлгани учун арзон баҳога кўниб қўйганини айтиб йиғлар эди, аммо устига бирмири ё ярим танга ортдирилиши блан иш силлиқ битиб кетарди. Ҳозир эса Петрович ҳуш'ёр эди, шунинг учун ҳам сержаҳл, бўш келмай оғзига сиққанча хақ сўрашга тайёрдек бир ҳолда эди. Акакий Акакиевич буни фаҳмлаб, келган изидан секингина чиқиб кетмоқчи бўлган эдию, лекин иложи бўлмади. Петрович унга ўзининг яккаюягона кўзини сузиб тикилиб қараган эди, Акакий Акакиевич беихтиёр: «Салом, Петрович!» — деб юборди. — Петрович, «Саломат бўлсинлар, тақсир», деди-да, қандай ўлжа олиб келдийкин деб Акакий Акакиевичнинг қўлига кўз қирини югуртди.

«Мен, Петрович, сеникига ҳалиги унақа...» Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Акакий Акакиевич ўз муддаосини нуқул кўмакчи сўзлар, ҳол ва равишлар ва, ниҳоят, ҳечқандай ма'носи бўлмаган сўз бўлаклари блан изҳор қилади. Агар қийинроқ иш тўғрисида гапирмоқчи бўлса, жумлани тугатмайдиган одати ҳам бор эди. Кўп вақт: «бу, албатта жуда ҳам унақа...» деб гапни бошлаб қўйиб, бошқа ҳеч-нарсаси демас, «ҳамма гапни гапириб бўлдим

шекилли» деб ўйлаб, бошлаган гапини унутиб қўярди.

«Нима гап ўзи?»— деди машиначи ва ягона кўзи блан вицмундирнинг ёқасидан тортиб енгигача, елкаси, орқа этагидан тортиб то тугмаларигача кўздан кечириб чиқди. Ўзи тикиб бергани учун унинг ҳамма жойи унга таниш эди. Биринчи кўришдаёқ кирган одамнинг қўлига қараш ҳамма машиначининг одатидир.

«Петрович, мен ҳалиги... шинель ўзи-ку мовутдан... мана, кўр: ҳали ҳаммаёғи бутун, ўзи бироз тутилган, шунинг учун кўзга эскига ўхшаб кўринади, лекин ўзи яп-янги, фақат мана бу ери озгина ҳалигидек... орқаси блан елкаси бироз ишқалган, иннай кейин, мана бу елкаси ҳам бирозгина — кўрдингми, мана шу холос. Андаккина иш ўзи...».

Петрович капотни қўлига олди, аввал уни столга ёйиб ташлаб анча вақтгача кўздан кечирди-да, кейин бош чайқаб, дераза тагидаги қопқоғига аллақандай генералнинг сурати солинган, лекин қайси генералнинг сурати эканини билиб бўлмайдиган тамакидонига қўл узатди; суратнинг бетгинасидан бармоқ блан тешилиб, кейин тўртбурчак қоғоз блан ёпиштириб қўйилганди. Петрович тамакидан искаб олгач, капотни қўлларига ёйди-да, ёруқча тутиб кўргандан кейин яна бош чайқади; кейин астарини ағдариб кўрди-да, яна бош чайқади, тагин генерал суратлик қоғоз парчаси ёпиштирилган қопқоқчани очиб, бурнига тамакидан тортиб, қопқоқчани беркитиб, қутичани ёнига солиб қўйгандан кейин: «Йўқ, эплаб бўлмайдиган жуда чириб кетипти!» деди.

Шу сўзларни эшитганда Акакий Акакиевичнинг юраги орқасига тортиб кетди. «Нега тузатиб бўлмайди дейсан, Петрович?— деди у болалардек ялинчоқлик овоз блан:— бунинг ахир, фақат елкаси сузилиб кетган, холос, ўзингда майда-чуйда қийқимлар топилиб қолар ахир...»

«Қийқим топиладику-я, қийқим топилади-я»,— деди Петрович:— лекин ямайдиган жойи қолмабди, ўзи жуда чириб қолган, игна тегиздинг дегунча йиртилиб кетаверади».

«Йиртилса-йиртилар, йиртилган ерига сен яна дарров ямоқ соласан, қўясан».

«Аммо ямоқни тутиб турадиган жойи йўқда. Қийилавериб жони қолмаган. Номига мовут-ку, «пуф» десанг тўзиб кетади».

«Бир амаллай қол. Бўлмасам анавнақани нима қилиб бўлади!..»

«Йўқ, — деди Петрович узил-кесил қилиб: эплаб бўлмайди. Жуда ишдан чиққан. Яхши-си, қиш келиб қаттиқ совуқ тушганда уни оёғингизга пайтава қилиб олинг, нега десангиз пайпоқ унча иситмайди. Уни кўпроқ пул топиш учун немислар ўйлаб чиқардилар (Петровсвич ўрни келганда немисларни бир чимдиб ўтишни яхши кўрарди); энди шинельга келсак, янгисини тиктиришга тўғри келади».

«Янги» деган сўзни эшитганда Акакий Акакиевичнинг кўз ўнги қоронғилашди, уйдаги нарсаларнинг ҳаммаси бир-бирига аралашиб кетди. Унинг кўзига Петровичнинг қопқоғида юзига қрғоз ёпиштирилган генерал сурати бор тамакидонидан бошқа ҳечнарсаси кўринмас эди. «Янгисини қандай тикдираман?»— деди у, ҳа-

ли ҳам туш кўраётгандек:— «ҳали менда ямоққа ҳам пул йўқ-ку».

«Ҳа, янгисини тикдирасиз», — деди Петрович ваҳшийларга хос босиқлик блан.

«Мабодо янгисини тикдирадиган бўлсак, анақаси нима бўлар экан...»

«Неча пулга тушишини билмоқчимисиз?»
«Ҳа».

«Учга элликталикдан ортиқроқ кетар», деди Петрович ва лабларини ма'нодор қилиб тишлаб қўйди. У кишиларга кучли та'сир қиладиган сўзларни севар, бировга ваҳима солиб қўйиб, сўнгга унга қия назар ташлаб, қай аҳволга тушганини тамоша қилишни яхши кўрарди.

«Бир шинельга бир юз эллик сўм!»—деб қичқириб юборди бечора Акакий Акакиевич. Бу, бутун умрида биринчи қичқириши бўлса керак, чунки бу одам ҳамиша босиқ гапирарди.

«Ҳа, шундай, — деди Петрович: — шинельнинг ўзини ҳам айтинг. Агар ёқасига совсар қўйиб, астарини шоҳидан қилинса борми, унда икки юзга тушади».

Акакий Акакиевич Петрович айтган сўзларга қулоқ солмасдан ва қулоқ солмасликка уриниб ёлворган бир товуш блан: «Ўтинаман, Петрович, кел, бир амаллаб ямаштиргил, яна уч-тўрт кун хизмат қилсин» деди.

«Йўқ, бўлмайди дедимку» — бўлмайди! Бекорга меҳнат сарф қилиб, пулни шамолга созуришнинг нима кераги бор, — деди Петрович. Шу сўзлардан кейин Акакий Акакиевич бир ҳолатда бўлиб у ердан чиқди. Петрович бўлса у чиқиб кетгандан кейин, лабларини қаттиқроқ тишлаб, ишга ҳам киришмай, анча

гача турган жэйида туриб қолди, чунки у ўз обрўсини ҳам туширмай, машиначилик ҳунарининг ҳам обрўсини сақлаб қолганч учун мамнун эди.

Акакий Акакиевич кўчага чиққанда худди туш кўраётгандай эди. «Шунақа экан-да,— дерди ўз-ўзига:— мен ҳақиқатан ҳам бунинг бунақа бўлишини сра ўйламаган эдим...», кейин, бироз жим қолгандан сўнг, яна қўшиб қўйди. «Шунақа денг-а, келиб-келиб шундақа бўлди денг-а, мен бўлсам шундақа бўлади деб ўйламаган эдим. Кейин яна анчагача жим тургандан сўнг шундай деди:

«Шунақа экан-да! Ҳақиқатан ҳам ҳечбир кутилмаганда ҳалигидақа-я.. бунақасини ҳечқачон... мана шунақа экан-да!» Шу сўзларни айтиб у уйига жўнаш ўрнига, ўзи ҳам сезмагани ҳолда бутунлай тескари томонга қараб кетди. Йўлда бир мўри тозаловчи ўзининг қопқора ёнбоши билан унга туртиниб, елкасини бутунлай қўрайтириб кетди; янги солинаётган уй тепасидан устига бир талай оҳак тўкилиб кетди. У буларнинг ҳечбирини сезмай, ахири, ойболтасини олдига қўйиб олиб, шохдан ясалган қутичадан қадақли қўлига тамаки қоқиб турган постдаги полицияга туртиниб кетгандан кейингина, шунда полиция унга: «Нега пинжмига тикилиб келаяпсан, тратуарда йўл қуриб қолганми сенга?» деб ўшқирганидан кейингина бироз ўзига келди. Бу нарса уни кўз очиб атрофига қарашга ва уй томонга қайтишга мажбур қилди. Шундагина у фикрини бир ерга тўплай бошлади, қандай аҳволга тушиб қолганини очик-ойдин кўз олдига келтирди-да, энди

ўзи блан ўзи аввалгидек чалакам-чаққи эмас, балки қўнгилдаги энг яширин сирларини очиб айтиш мумкин бўлган тадбирли бир дўсти блан маслаҳатлашаётгандай, очиқ-ойдин гаплаша бошлади. «Йўқ,— деди ўз-ўзига Акакий Акакиевич:— энди Петрович блан баҳслашиб бўлмайди: у энди унақа ҳалиги нима... хотиндан қаттиқ калтак еганга ўхшайди. Яхшиси шуки, уникига якшанба куни эрталаб бораман; шанба кечаси ҳалигидақа ичиб олгани учун бироз уйқудан ланж бўлиб турган бўлади. Уйғонгандан кейин карахтликини тарқатиш керак бўлади, хотини бўлса пул бермайди, шунда мен бориб секингина қўлига ярим танга-бир тангани қистираману, ана ундан кейин у гапга кирадиган бўлиб қолади, ана ўшандан кейин шинель ҳам ҳалигидай бўлади...» Акакий Акакиевич ўз-ўзи блан мана шундай кенгашиб, ўзига-ўзи далда бергач, якшанбанинг келишини кутди-да, Петровичнинг хотини уйдан аллақаяққа чиқиб кетаётганини узоқдан кўриб қолиб, дарров унинг олдига кирди. Петрович ҳақиқатан ҳам кечаги шанбадан кейин қаттиқ оғриётган бошини қуйи солиб ўтирар, уйқуга қонмаган бир ҳолда бўлишига қарамай, масаланинг тагига етиши бланоқ, худди шайтон йўлдан оздиргандек: «Бўлмайди, янгисини буюртиринг», — деди. Акакий Акакиевич худди шу маҳал ярим тангани унинг қўлига тутқизди «Саломат бўлинг, тақсир,— деди Петрович:— шинель тўғрисида хотиржам бўлаверинг: барибир энди у ҳечнарсига ярамайди. Янгисини ўзим сизга боплаб тикиб бераман, буёғини менга қўйиб беринг».

Акакий Акакиевич яматиш тўғрисида яна

гап бошлаган эди, лекин Петрович охиригача қулоқ солмасдан, деди: «Мен сизга албатта янгисили тикиб бераман, бунга бемалол ишонаверинг, қўлимдан келганича тиришаман, ҳаракат қиламан. Ҳатто шу топда расм бўлганидек, ёқасини панжа шаклидаги заррин илмоқлар блан илинадиган қилиб берсам ҳам бўлади». Акакий Акакиевич янги шинель тиктиришдан бошқа илож йўқлигини ана шундагина тушунди ва тори жуда сусайиб кетди. Ҳақиқатан ҳам янги шинельни қайси пулга тиктиради, пулни қаёқдан олади? Байрамда бериладиган мукофотга бироз умид қўйса ҳам бўлардику-я, лекин бу пуллар аллақачонлар ўз жойини топиб тақсимланиб қўйилган эди. У янги панталон олиши керак, эски этикни бошлаб бергани учун этикдўзга эски қарзни тўлаши керак, учта ички кўйлак тикдириши керак, босма асарда номини айтиб бўлмайдиган ички кийимлардан бир-иккита буюриш керак эди, хуллас: ҳамма пулларнинг ўзига яраша зарур жойи бор эди, башарти директор жуда ийиб кетиб, қирқ сўм ўрнига қирқбеш ёки эллик сўм белгилаганида ҳам, барибир, эҳтиёжлардан шу қадар арзимас пул қолар эдики, бу, янги шинель учун кетадиган маблағга дарёдан томчи бўлар эди. У, Петровичда ҳаддан ташқари кўп хизмат ҳақи талаб қилиш одати борлигини, ба'зида ҳатто хотини ҳам чидай олмай шэвқин солиб: «Нима бало бўлди сенга, эсингни еб қўйдингми, аҳмоқ! Ба'зан арзимас пулга ҳам иш қилиб берасану, энди келиб, уёқ-буёғини суриштирмай бировдан жуда катта ҳақ сўрайсан, ўзинг ҳам шунчага турмайсан» — деб беришини яхши билар эди,

албатта. Петрович шинельни саксон сўмга тикиб беришга ҳам рози бўлишига кўзи етса-да, лекин ана шу саксон сўмни қаердан олсин? Ярмини бир амаллаб топиш мумкин: бир иложини қилиб топса бўлади; балким бироз кўпроқ ҳам топаолар; лекин қолган ярмини қаердан топади?.. Аммо китобхонлар пулнинг аввалги ярмини қаердан топиши мумкинлигини билиб қўйишлари керак. Акакий Акакиевичнинг сарф қилинадиган ҳарбир сўмдан бир тийиндан устида тешикчаси бор, ўзи доимо қулф турадиган қутичага ташлаб қўйиш одати бор эди. Ҳар ярим йилда қутичанинг оғзини очиб тўпланган чақаларини ҳисоблаб тангага айлантирарди. У кўп йиллардан бери шундай қилар, натижада бирнеча йил ичида тўпланган пул қирқ сўмдан ошиб кетган эди. Шундай қалиб, шинельга керак пулнинг ярми қўлда; лекин қолган ярмини қаердан олади? Энди қирқ сўми қаердан топилади? Акакий Акакиевич ўйлай-ўйлай, охири ҳеч бўлмаганда бир йилга оддий сарф-харажатларни камайтириш керак, деган қарорга келди: кечқурунлари чой ичмаслик, кечалари шам' ёқмаслик, агар бирор иш қилиш керак бўлиб қолса, уй эгаси кампирни-кига кириб шам'ида ишлаш; оёқ кийимларининг чармлари тез йиртилмаслиги учун кўчаларда юрганда мумкин қадар эҳтиётлик блан қадам ташлаб юриш; тез тўзимаслиги учун кийимларини кирчига камроқ ювдириш, уйга қайтган маҳалда эса ечиб қўйиб, бундан бирнеча йиллар аввал дағал матодан тикилган ҳатто ой ва йиллар томонидан риоя қилинган ҳалатни кийиб олиш. Ростини айтганда, буна-

қа чекланишларга одатланиш бошда бироз қийин бўлган эди, лекин бора-бора ўрганиб кетди ва ишлар ҳам йўлга тушди, ҳатто кечалари оч ҳолда қолишга бутунлай кўникиб кетди; лекин, бунинг ўрнига, бутун ўй-хаёли унинг кўнгли тўқ бўлиб, тикдириладиган шинель блан банд эди. Шу кундан бошлаб ҳаёти ҳам аллақандай тўла бўлиб қолгандай, гўё уйланди, гўё ҳамавақт ёнида биров бордек, ўзи ёлғиз бўлмай, аллақандай умр йўлдоши у блан бирга умр кечиришга рози бўлгандек ҳис қилар,— у йўлдоши ҳам, албатта, ўша серпахта, пишиқ астарлик шинельнинг ўзгинаси эди. Акакий Акакиевич аллақандай жонланиб, худди бир мақсадни олдига қўйган киши сингари, табиати ҳам жиддийлашиб қолди. Унинг қиёфаси ва феъл-атворидаги шубҳа ва қарсисизликлар, хуллас, иккиланиш ва мужмаллик аломатлари ўз-ўзидан йўқлиб кетди. Кўзларида баъзан учқунлар чақнар, миясига эса: «Ёқасига ҳам совсар қўйдириб юборсаммикин?» деган дадил фикрлар келар эди. Бу тўғридаги хаёллар уни паришонхотир қилаёзди. Бир марта кўчириб ёзатуриб, янглишиб кетишига ҳам оз қолди ва овоз чиқариб, «Уҳ!» деб юборди-да, чўқиниб олди. Шинель ҳақида гаплашиш, мовутни қаердан, қандай рангдагисини ва неча сўмлигини сотиб олган мақулроқ деб маслаҳатлашиш учун ҳар ойда Петровичнинг олдига ҳеч бўлмаганда бир марта борар ва бирқанча ташвишланиб бўлсада, лекин ҳамавақт: ниҳоят вақти келиб шу нарсалар сотиб олинishi ва ўзининг ҳам шинельлик бўлиб қолиши ҳақида ўйлаб уйига хурсанд бўлиб қайтар эди.

Ишлар ўзи ўйлаганидан ҳам тезлашиб кетди. Сра хаёлига ҳам келмаган жойда директор Акакий Акакиевичга қирқ беш ёки эллик сўм эмас, балки бутун бошли олтмиш сўм тайинлади: у Акакий Акакиевичга шинель кераклигини сездимикан ё ўз-ўзича шундай бўлдимикан, ҳарҳолда шунинг орқасида унинг қўлига йигирма сўм ортиқча пул кирди. Бу ҳол ишнинг яна тезлашиб кетишига сабаб бўлди. Яна икки-уч ой очликка чидаса, Акакий Акакиевичнинг қўлида саксон сўмга яқин пул тўпланади. Унинг ҳамавақт хотиржам юраги дукуллаб урабошлади. Биринчи куниёқ Петрович блан дўконларга чиқиб мовут ахтаришга тушди. Мовутнинг жуда яхшисини олдилар — шундай бўлмай иложи ҳам йўқ, ахир бу ҳақда ярим йилдан буён ўйлашар, нарх суриштириб дўконга кирмаган ойлари бўлмасди, бунинг устига Петрович мовутнинг бундан яхшиси бўлмайди, деб айтди, ахир. Астарига қалин ва пухта коленкор олишди. Петровичнинг айтишича, бу шەхидан ҳам яхши бўлиб, кўринишда силлиқроқ ва жилвалироқ эди. Совсар олишмади, чунки у жуда қиммат эди. Унинг ўрнига дўкондаги мушук терилярнинг энг яхшисини олишди, узоқдан қараганда киши уни совсардан ажратаолмасди. Петрович шинельни тикиш учун икки ҳафтача овора бўлди, тепчийдиган иши кўп эди, бўлмасам бундан ҳам тез битар эди. Хизмат ҳақи учун Петрович ўн икки сўм олди — бундан кам олишнинг сра иложи йўқ эди, чунки ҳамма ери ипак блан икки сидрадан майда қилиб тикилган бўлиб, Петрович ҳарбир чокни кўздан кечириб,

тиши блан текислаб чиққан эди. Бир кун, аммо қайси кун эканлигини айтиб бериш қийин, лекин Петрович ниҳоят шинельни битказиб келтирган кун Акакий Акакиевичнинг умрида энг тантанали кун бўлса керак. У шинельни эрталаб, худди департаментга ишга кетай деб турган пайтда олиб келди. Бошқа вақтда шинель ҳечқачон бу қадар ўринли бўлиб тушмас эди, нега деганда қаттиқ совуқлар бошланиб, совуқнинг бундан ҳам кучайиб кетиши турган гап эди. Петрович шинельни уста машиначиларга хос виқор блан олиб келди. Унинг чехрасида шу қадар улуғворлик ифодаси барқ урардики, бунақанги улуғворликни Акакий Акакиевич ҳечқачон кўрмаган эди. У озмунча меҳнат қилмаганлигини ҳис қилгандек ва фақатгина астар қўйиб тикадиган ва эскини тузатиб қайтадан тикадиган машиначилар блан янгини тикадиганлар ўртасидаги фарқни ўз шахсида кўрсатиб қўйгандек эди. У шинельни ўраб келган топ-тоза дастрўмолни ечиб, шинельни олди-да, кейин дастрўмолни тахлаб чўнтагига солиб қўйди. Шинельни олгач, унга фахрланиб қараб қўйди-да, иккала қўли блан кўтариб туриб, эпчиллик блан Акакий Акакиевичнинг елкасига ташлади; кейин орқасидан тортиб туриб, тепасидан пастигача қўли блан сидириб тушди; кейин тугмаланмаган ҳолда, қадди-қоматини тўғрилади. Акакий Акакиевич эса анча кексайиб қолганидан енгларини ҳам кийиб кўрмоқчи бўлди. Петрович енглари-ни кийишга ҳам ёрдамлашиб юборди—енглари ҳам худди қўйиб қўйгандек экан. Хуллас, шинель лойиқ келди. Петрович эса, қулай

фурсатдан фойдаланиб, кичкинагина бир кўчада вивескасиз яшаганини, бунинг устига Акакий Акакиевични кўпдан танигани учун кам ҳақ олганини, Невский проспектида тиктирганида машиначиларнинг хизмат ҳақи учунгина етмиш беш сўм олишларини айтиб ўтди. Акакий Акакиевич пул тўғрисида у блангап очишни истамас, Петрович махтаниб катта пулларни оғзининг бир чеккасидан чиқаришни яхши кўргани учун, унақа ваҳимали пуллардан кўрқар эди. У Петровичга хизмат ҳақини тўлаб, ташаккур билдирдида, шу ондаёқ янги шинельни кийиб департаментга жўнади. Петрович ҳам унинг кетидан чиқди, кўчада тўхтаб, анчагача шинельнинг орқасидан қараб қолди, кейин тор кўчадан кесиб чиқиб, ўзи тиккан шинельнинг бошқа томонидан, яъни олдидан кўриш учун бир томонюгуриб кетди. Акакий Акакиевич бўлса, яйраган ва севинган ҳолда кетиб борарди. Ҳар лаҳзада елкасида енгил шинель борлигини ҳис қилар, ич-ичидан қувонганидан баъзан қулимсираб ҳам қўяр эди. Дарҳақиқат янги шинельдан икки томонлама фойда: бир томондан иссиқ, иккинчи томондан яхши эди. Йўлнинг узоқлиги ҳечбир билинмади ва бирпасда департаментга етиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди; шинельни йўлакда счиб уни бошдан-оёқ кўздан кечириб чиқди, кейин швейцарга эҳтиёт блан қараб туришни буюрди. Акакий Акакиевичнинг янги шинель тикдирганини ва эскисини бутунлай ташлаганини, қандайдир бир йўл блан, департаментдагилар ҳаммаси бирданига билиб олган эдилар.

Акакий Акакиевичнинг шинелини кўрмоқ учун ҳамма ўша ондаёқ йўлакка югуриб чиқди. Уни қутламоққа, табрикламоққа бошлаган эдилар, у киши аввал фақат жилмайиб турди, кейин эса ҳатто уялиб ҳам кетди. Чиновниклар уни ўртага олиб янги шинельни «ювиш» кераклиги, лоақал шерикларига чой қуйиб бериши лозимлиги ҳақида гапирабошлаганларида, Акакий Акакиевич бутунлай шошиб, нима қилишини, нима деб жавоб беришини, қандай важ кўрсатишини билмай қолди. Орадан бирнеча минут ўтгандан кейин, у қизариб-бўзариб, унинг янги шинель эмаслигини, шундай бир эски шинель экаини гапириб, шу содда гапларига уларни ишотирмоқчи бўлди. Ниҳоят, чиновниклардан бири ҳатто аллақандай бир столоначальник муовини ўзида мағрурлик йўқлигини ва ўзидан пастлар блан ҳам алоқаси борлигини кўрсатиш учун бўлса керак, шундай деди: «Хайр, майли, Акакий Акакиевичнинг ўрнига зиёфатни мен қилиб бераман, бугун кечқурун бизникига чойга марҳамат қиласизлар: бунинг устига бу кеча менинг туғилган куним байрами». Чиновниклар, табиий, шу замоноқ столоначальник муовинини табрик қилдилар ва таклифни хурсандлик блан қабул қилдилар. Акакий Акакиевич бормасликка баҳоналар кўрсатабошлаган эди, ҳамма бирдан бундай иш қилиш адабсизлик, балки тўғридан-тўғри расволик ва шармандалик дейишаверганидан сўнг, рад қилолмади. Ҳолбуки, шу баҳона блан кечаси ҳам янги шинелини кийиб кўчада юришини эслаганида ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Ана

шу кун Акакий Акакиевич учун жуда катта тантанали байрамдек ўтди. У уйига жуда вақти чоғ бўлиб қайтди, шинелини тезгина ечиб, мовути блан астарига яна бир қараб олиб, девордаги қозикқа илиб қўйди, кейин бир-бирига солиштириб кўрмоқчи бўлиб, ўзининг тигилиб кетган эски капотини ҳам қидириб топди. Унга бир назаф ташлагач, ўзи ҳам кулиб юбсрди. Орадаги фарқ жуда катта эди. Кейин, овқат вақтида ҳам, капотнинг қандай ҳолда экани эсига тушиб яна хўп кулди. Кўнгли очилиб ўтириб овқатланди, овқатдан сўнг ҳечнарсани, ҳечқандай қоғозни кўчирмасдан ўринга кириб, қоронғи тушгунча ётди. Кейин вақтни ўлғазмасдан тезгина кийинди, шинелини елкасига ташлаб, кўчага чиқди. Афсуски, чойга таклиф этган чиновникнинг қаерда туришини айтиб беролмаймиз: хотирамиз жуда сийқаланиб қолиб Петербургдаги ҳамма нарса, я'ни кўчалару уйлар миямизда шу қадар аралаш-қуралаш бўлиб кетганки, бу миядан бир нарсани ўз тартиби блан топиб олиш жуда қийин. Ҳарна бўлганда ҳам шуниси ма'лумки, у чиновник шаҳарнинг энг яхши қисмида туради, демакки, Акакий Акакиевич яшаган жойдан олисда туради. Акакий Акакиевич аввал фонарьлари хира, хилватроқ кўчалардан ўтиши керак, аммо ҳалиги чиновникникига яқинлашган сари кўчалар серқатнов ва ёруғроқ бўлабошлади. Борган сари пиёдалар кўпроқ учрар, яхши кийинган хотинлар, қундуз ёқали эркаклар учрай бошлади, ҳамма ёғига зарҳал қилинган михлар қоқилган ёғоч панжарали оддий чана ҳайдайдиган кишилар камроқ, аксинча, тўқ қизил

духоба шапка кийган ва айиқ терисидан қилинган ёлғичли лакланган чаналарни ҳайдовчилар кўпроқ учрар, ясатилган кареталар қорда ғилдираklarини ғижиллатиб учиб ўтар эди. Акакий Акакиевич бу нарсаларнинг ҳаммасини худди бир янгилик каби тамоша қилди. Чунки у бирнеча йилдан бери кечалари кўчага чиқмаган эди. Бир магазиннинг ёруғ деразаси олдида қизиқиб тўхтаб, чиройлиқкина бир хотиннинг оёғидан бошмоғини ечиб ташлаб, хилигина чиройлик оёқларини очиб яланғочлаб турганининг суратини, унинг орқасида эса, бошқа уйнинг эшигидан мўралаб турган бакенбард¹ ва ихчамгина чўққи соқолли кишининг суратини тамоша қилабошлади. Акакий Акакиевич бошини чайқаб, мийиғида кулиб қўйди-да, сўнг-ра ўз йўлида давом этди. Нима учун у мийиғида кулиб қўйди, ўзига нотаниш бўлган, шунга қарамай ҳаркимда бирор туйғу қўзғайдиган нарсани кўриб қолгани учунми, ёки бошқа чиновниклар сингари: «Об-бо бу французлар-ей! Нимасини айтасан буларнинг. Агар бир нимани бир нима қилмоқчи бўлсалар борми, ўшанда ҳалиги нимани нима қилиб...» деб ўйлаб қолдими, билмадик. Балким, бундай деб ҳам ўйламагандир—ахир одам боласининг ичига кириб, унинг нима ўйлаганини билиб бўладими? Ниҳоят, у столоначальник муовини турадиган уйга етиб келди. У одам бадавлат яшарди; зинасида фонарь ёнар, ўзи иккинчи қабатда турар эди. Даҳлизга киргач, Акакий Акакиевичнинг кўзи қатор турган галәшларга тушди. Ана шу га-

¹ Чекка соқол.

лошлар ўртасида вишиллаб, буғ чиқариб, қай-
наётган самовар турар эди. Деворга шинель
ва плашчлар осилган, улар орасида қундуз
ёқалилари ё духобадан тикилган қайтарма
ёқалилари ҳам бор эди. Ичкари уйдан шов-шув,
ғўнғир-ғўнғир сўзлашган товушлар эшитилар,
бўш стаканлар, сариеғ идишлари солинган пат-
нис ва сухари саватчалари кўтарган бир хиз-
матчи эшикни очиб чиқиши бланоқ шов-шувлар
аниқ ва барала эшитилабошлади. Шундан ма-
лумки, чиновниклар аллақачон йиғилишган
ва бир стакандан чой ичишга ҳам улгуришган
эди. Акакий Акакиевич ўз шинелини ўзи осиб
қўйгач, ичкарига кирди, кириши блан унинг
кўзига ша'млар, чиновниклар, трубкалар, кар-
та ўйнайдиган столлар — ҳаммаси бирданига
кўринди, ҳар томондан кўтарилган гап-сўзлар
блан суриб қўйилаётган стулларнинг ғижир-
ғижери қулоғига кириб бироз шошиб қолди. У
нима қилишини билмай, ўйланиб жуда нокўлай
бир аҳволда уй ўртасида тўхтаб қолди. Лекин
улар уни кўриб қолишиб, шов-шув блан кутиб
олишди ва шу ондаёқ даҳлизга чиқиб шинель-
ни яна бир марта тамоша қилишди. Акакий
Акакиевич бундан бироз хижолат чеккан бўлса
ҳам оқ қўнғилли киши бўлгани учун, шинелини
ҳамма мақтаганини кўриб, қувониб кетди. Ке-
йин, албатта, ҳаммалари уни ҳам, шинелини
ҳам тарк этиб, одатга мувофиқ, ўзларини вист
ўйнаш учун қўйилган столларга урдилар. Бу
нарсалар ҳаммаси, я'ни шов-шувлар, ғўнғир-
ғўнғир гаплар ва тўп-тўп одамлар Акакий
Акакиевичга жуда ғалати туйилди. У, дарҳақи-
қат, нима қилишини, оёқ-қўлини ва бутун газ-

дасини қаёққа қўйишини билмас эди; ниҳоят, карта ўйнаётганларнинг ёнларига ўтирди-да, карталарга қараб, гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг юзига назар ташлайбошлади. Ниҳоят, бироздан кейин эснай бошлади, зерикканини пайқади, ундан ташқари, одатда унинг уйқуга ётадиган вақти аллақачон ўтиб кетган эди. У уй эгаси блан хайрлашиб кетмоқчи бўлган эди, лекин янги кийим шарафига албатта бир қадаҳ шампанское ичиш шарт, деб жавоб беришмади. Бир соатдан сўнг винегрет, яхна бузоқ гўшти, паштет, пирожки ва шампанскоедан иборат кечки овқат бердилар. Акакий Акакиевични икки қадаҳ шампанское ичишга мажбур қилдилар. Шундан кейин у ичида хурсандлик бошланганини сизди. Лекин соат ўн иккидан ошиб, кетадиган вақт аллақачонлар ўтиб кетганини тақир эсидан чиқаролмади. Уй эгаси яна бир баҳона блан ушлаб қолмасин деб астагина уйдан чиқди-да, даҳлизда шинелини қидириб, унинг ерда ётганини кўриб ачинди, уни яхшилаб қоқди, устига ёпишган хас-чўпларни тозалади, кейин елкасига ташлаб, зинадан кўчага тушди. Кўча ҳали ёруғ эди. Уй хизматкорлари ва шу сингари одамларнинг доимий тўпландиган жойлари бўлган ба'зибир бэққолчилик дўконлари ҳали очиқ эди. Ба'зи ёпиқ уйларнинг ҳам эшиги тирқишидан уларнинг ҳам жамоатдан маҳрум эмасликларини кўрсатгани чирроғ шу'лалари узун бўлиб тушиб турарди. Оқсоч хотинлар ва малайлар гурунглашиб ўтирар, хўжайинлари эса уларнинг қаерга кетиб қолганини билолмай ҳайрон эдилар. Акакий Акакиевич жуда вақти чоғ бўлиб қайтиб

Борарди, йўлда, ҳатто ёнидан чақмоқ каби елиб ўтиб кетган ва гавдасининг ҳарбир қисми одатдан ташқари ҳаракат қилаётган бир аёлнинг кетидан сабабини ўзи ҳам билмагани ҳолда бирданига югуриб ҳам қолди. Аммо, у шу ондаёқ тўхтади, ўзидан-ўзи югуриб кетганига ўзи ҳам ҳайрон қолиб яна боягидек аста-секин кетабошлади. Қўп ўтмай ҳатто кундузлари ҳам бефайз кўринадиган, кечаси эса юришга юрак дов бермайдиган хилват кўчалар келди. Энди бу кўчалар яна ҳам ҳувуллаб қолган эди: лампамой оз берилаётганидан бўлса керак — фонарьлар ҳам камдан-кам учрар эди; ёғоч уйлар, тахта деворлар кўринабошлади; ҳечқаерда одам асари кўринмайди; кўчаларда оппоқ қоргина ялтирар, дераза қопқоқлари тапатақ беркитилган, уйқуга чўмган пастак кулбалар майс қорайиб турарди. Ниҳоят, Акакий Акакиевич кўчани иккига бўлиб, нариги юздаги бинолар зўрға кўзга чалинадиган, ҳозир қўрқинчли бир биёбондай кўринган кенг бир майдонга яқинлашди.

Олиса, қаердалигини худо биледи, қандайдир бир будканинг чироғи милтиллаб турарди, ва будканинг ўзи эса дунёнинг нариги чеккасида тургандек кўринарди. Шу ерга келганда Акакий Акакиевичнинг вақти чоғлиги бир қадар сусайди. У шу майдонга, юраги аллақандай бир фалокат бўлишини олдиндан сезгандай, қандайдир ихтиёрсиз бир қўрқув блан қадам қўйди. У оркасига ва ён-верига айланиб қаради: атрофи бўм-бўш кўринди. «Йўқ, қарамаганим яхшироқ», деб ўйлади ва кўзини юмиб, яна йўлга тушди ва, ниҳоят, майдоннинг

охирига қанча қолганини билиш учун кўзини очиб эди, аллақандай узун мўйлабли одамлар рўпарасида турганини кўрди, лекин уларнинг қандай одамлар эканини билолмади. Ҳатто кўз олди қоронғилашиб, юраги гуп-гуп урабошлади. Уша одамлардан бири унинг ёқасидан ушлаб, гулдираган бир овоз блан: «Ие, менинг шинелим-ку, бу!» — деди. Акакий Акакиевич энди «дод» деб бақирмоқчи бўлган эди, иккинчи бири худди чиновникнинг қалласидек келадиган муштини унинг оғзига тақаб туриб, «дамингни чиқара кўрма!» деди. Акакий Акакиевич устидан шинелини ечиб олиб, орқасига бир тепганларинигина билаолди ва шунда чалқанчасига йиқилганидан бошқа ҳечнарсани сезмади. Бирнеча минутдан кейин ҳушига келиб ўрнидан турса, ён-верида ҳечким йўқ эди. Майдоннинг совуқлигини ва устида шинели йўқлигини сезиб «дод» деб бақирабошлади, лекин овози майдоннинг нариги бошига етиб бориши маҳол эди. Аламидан овозининг борица бақириб, майдонни кесиб тўппатўғри будка томон чопабошлади. Бу вақт будка олдида ойболтасига суяниб турган миршаб бу одамнинг нима учун узоқдан овозининг борица бақириб келганини билишга қизиқиб кўзини ўша томонга тиккан эди. Акакий Акакиевич югурганича унинг олдига келиб, унга: «Ба'зўр ухлаб ётсан, бировни талаб кетсалар ҳам қарамайсан, кўрмайсан», деб бўғилган овози блан шовқин солабошлади. Миршаб эса, ҳечнарсга кўрганини, фақат майдоннинг ўртасида уни аллақандай икки киши тўхтатганини ўз кўзи блан кўрганини, лекин уларни ўртоқлари бўл-

ся керак, деб ўйлаганини айтиб, бекордан-бекорга бақриб юрмасдан, эртага назоратчига учраса, назоратчи шинельни қаердан бўлса ҳам топдириб беришини уқдирди. Акакий Акакиевич югурганича уйига жуда бетартиб бир аҳволда келди: икки чеккаси блан орқасида қолган сийрак сочлари тўзиб кетган; ёнбоши блан кўкраги, ҳамда панталони қорга беланган эди. Уй эгаси кампир эшикнинг қаттиқ тақиллаганини эшитиб, ирғиб ўрнидан турди ва бир оёғигагина бошмоғини кийиб, бир қўли блан кўкрагига қўйлагини тўсгани ҳолда, эшик очишга югурди, лекин эшикни очиши блан Акакий Акакиевични бундай аҳволда кўриб орқасига тисланиб кетди. Акакий Акакиевич бўлган воқияни айтиб берганидан кейин, кампир қўлини қўлига уриб, тўппа-тўғри частнийга¹ учраш кераклигини, кварталний² одамни алдашини, фақат ва'да қилиб, кейин судраб юришини айтди; яхшиси тўппа-тўғри частнийга бориб арз қилган ма'қулроқ, ҳатто кампирнинг ўзи ҳам уни танийди, нега деганда, илгари кампирникида оқсочлик қилган чухонка³ Анна ҳозир ўша частнийникида энагалик қилади; кампирнинг ўзи ҳам уни ба'за кўриб туради, я'ни у буларнинг уйи олдидан ўтиб туради, сўнгра ҳар якшанба кuni черковга келади, ибодат қилади, шунда ҳаммага очиқ юз блан қарайди, мана шу.

¹ Частний — революцияга қадар шаҳарнинг маълум бир қисмини назорат қиладиган полиция чиновниги.

² Квартальный — квартал, маҳаллани назорат қилуши полиция.

³ Чухонка — фин аёли.

лардан унинг яхши одам эканлиги ма'лум бўлиб туради. Бу гапларни эшитгандан кейин Акакий Акакиевич, ма'юс бир ҳолда, ўз хонасига кириб кетди. Ўз хонасида бутун бир кечани қандай қилиб ўтказганини, бировнинг ҳолини салгина бўлса ҳам биладиган кишининг ихтиёрига ҳа-вола қиламиз. Эртасига эрта блан частнийни-кига борган эди, лекин уни уйқуда дедилар, со-ат ўнда борган эди, яна ухлаб ётипти, деб жа-воб қилишди; соат ўнбирда борган эди:— част-ний уйда йўқ, дейишди; овқат маҳалида борган эди, лекин даҳлиздаги мирзалар уни сра ичка-рига киргизмасдан, қандай иш блан ва қандай зарурат блан келганини билишга уриниб, қан-дай воқиа бўлганини суриштирабошладилар. Ниҳоят, Акакий Акакиевич ҳам умрида бирин-чи марта қаттиқ табиатлик кўрсатмоқчи бўлиб, частнийнинг ўзини кўрмоқни истаганини, улар-нинг киритмасликка ҳақлари йўқлигини, депар-таментдан подшолик иши блан келганини, агар бориб уларнинг устидан арз қилгудек бўлса, ҳоллари кўп ёмон бўлишини шартта кесиб айт-ди. Бу сўзларга қарши мирзалар ҳечнарсга дейи-шаолмади, улардан бири частнийни чақиргали кириб кетди. Частний шинельнинг ўғирлангани тўғрисидаги хабарни негадир, жуда ғалати анг-лади. Ишнинг асосий томонига аҳамият бериш ўрнига, Акакий Акакиевичдан: нега бунча кеч қайтдингиз? Бирорта ёмон жойга кириб қолма-дингизми?— деб суриштирабошлади. Акакий Акакиевич эса жуда бўғилиб кетди, шинель ху-сусидаги ишдан тегишли натижа чиқиш ва чиқ-маслигини билолмасдан у ердан чиқиб кетди. Ўша куни ишга бормади (бу ҳол унинг умрида

биринчи марта бўлган эди). Эртасига эса бу-
рунгидан ҳам аянчлироқ кўринган эски капоти-
ни кийиб, ранги бўздай оқарган ҳолда ишга
борди. Шинельнинг ўғирланиши тўғрисидаги
хабар, шундай пайтда ҳам Акакий Акакиевич-
дан куладиган чиновниклар топилишига қара-
масдан, кўпларга қаттиқ та'сир қилди. Шу ер-
нинг ўзидаёқ унга пул тўплаб бермоқчи бўлди-
лар, лекин тўпланган пулнинг мазаси бўлмади,
чунки чиновниклар директорнинг портретидан
биттадан сотиб олишиб ва қайсибир автор блан
ошна бўлган бошлиғининг таклифига мувофиқ
ўша авторнинг аллақандай бир китобига обуна
бўлиб ёзилиб, у сиз ҳам кўп чиқимдор бўлиб
қолган эдилар — шундай қилиб, тўпланган пул
жуда кам бўлди. Чиновниклардан бирининг
рахмдиллиги тутиб кетиб, Акакий Акакиевичга,
ҳеч бўлмаса, маслаҳат бериб ёрдам қилмоқчи
бўлди ва сиз кварталнийга бориб ўтирманг,
чунки кварталний катталарнинг кўзига яхши
кўринмоқ мақсадида, балки бир амаллаб шинель-
нингизни топдириб ҳам берар, лекин шинель-
нинг ўзингизники эканлиги ҳақида қонуний
ҳужжатлар кўрсатмагунингизча, шинель бари-
бир полицияда қолади. Яхшиси, катта бир
амалдорга арз қилинг, ана шу катта амалдор
тегишли одамларга хат ёзиб тайинласа, ишин-
гиз тезроқ битиши мумкин, деди. Бошқа илож
йўқ, Акакий Акакиевич ўша катта амалдорга
учрамасқчи бўлди. У катта амалдорнинг марта-
баси қанақа ва мансаби нимадан иборат эка-
ни ҳозиргача нома'лум қолди. Лекин шуни би-
либ қўйиш керакки, бир катта амалдор шу
яқиндагина катта амалдор бўлиб қолди, бўл-

маса унгача кичик одам эди. Шу блан бирга, унинг ҳозирги амали бошқа амалдорларнинг амалига нисбатан, ҳали ҳозир ҳам катта амал деб ҳисобланмасди. Лекин шундай одамлар ҳам топилиб турадики, бошқалар назарида кичик бўлганлар ҳам улар назарида каттадай кўринади. Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, у катта амалдорлигини бошқа неча хил йўллар блан бўртдириб кўрсатишга уринар: ишга келганида паст мартабали чиновникларни зина ёнида ўзига пешвоз чиқаради; унинг ёнига тўғридан-тўғри кириб келишга ҳечкимнинг ҳаққи бўлмай, иш қаттиқ тартибда бориши: я'ни коллежский регистратор¹ губернский секретарь², губернский секретарь — титулярный ёинки биронта бошқа бир амалдорга арз қилиши, иш унга шу йўсинда етиб бориши керак эди. Муқаддас рус юртида ишлар шунақа — ҳамма тақлид балосига мубтало, ҳарким ўз бошлиғига ўхшамоқ учун қўлидан келганича уринади! Айтишларига қараганда, қандайдир бир титулярный советник кичкина бир маҳкамага бошлиқ қилиб тайинланган экан, дарров бир жойни тўсдириб ўзига алоҳида хона қилиб олиб, унга «маҳкама қабулхонаси» деб ном берипти, эшик олдида эса қизил ёқали, зар тасмали аллақандай капельдинерларни³ қўйдирибди. «Маҳкама қабулхонасига» оддий бир ёзув сто-

¹ Коллежский регистратор — Чор россиясида гражданик хизматидаги энг паст унвон.

² Губернский секретарь — Чор россиясида гражданик хизматидаги 11-нчи даражадаги унвон.

³ Капельдинер — одамларга эшик очиб туручи. Бу ёрда малай ма'носида.

ля зурға сифийшига қарамай, улар ҳарбир келган кишига эшик очиб бериб турар эканлар. Катта амалдорнинг усул ва одатлари улуғсимон ва дабдабали бўлиб, лекин унча мураккаб эмас эди. Унинг хизмат усулидаги асос — қат'ийлик эди. У, ўз одатича: «қат'ийлик, қат'ийлик ва яна қат'ийлик», деб қўяр ва сўнгги сўзини айтаркан, гапираётган кишисининг юзига жуда ма'нодор қилиб қараб қўярди. Ҳолбуки, бундай қилиш учун ҳечқандай сабаб йўқ десак бўлади, нега деганда, маҳкамани идора қилучи механизмни ташкил этган ўнлаб чиновниклар усиз ҳам, ундан шу қадар безиллаб турардиларки, унинг келаётганини узоқдан кўриш бланоқ, ишларини тўхтатиб, бошлиқ ўтиб кетгунча, қўлларини ёнларига қилиб типпа-тик турардилар. У ўзидан паст табақадагилар блан гаплашганда ҳам, ўша қат'ийлик йўлини тутар ва бутун гапиқуйидаги уч жумладан иборат бўларди: «Қандай ботинаолдингиз? Қим блан гаплашиб турганингизни биласизми? Олдингизда ким турганини англайсизми?» Лекин ўзи меҳрибонгина киши бўлиб, ўртоқлари блан яхши гаплашар, хизматга доим тайёр турар, лекин генераллик мартабаси уни эс-ҳушидан ажратган эди. Генераллик мартабасига етгач, боши алланечук сангиб, йўлидан адашди ва нима қилишини билмай қолди. Агар ўзи тенгилар ичида ўтирса туппа-тузук, кўп тўғриларда ҳатто эсли бир одам бўлиб қоларди, аммо ўзидан бир даража паст мансабли одамлар орасига кириб қолгудай бўлса, жуда бема'ни бўлиб кетади: миқ этмай ўтириб олар, вақтини анча хурсандлик блан ўтказиши мумкинлигини ҳатто ўзи ҳам сезар ва

унинг бу аҳволига раҳмлари келар эди. Ба'зан қизиқ гапларга ва суҳбатга аралашिशга зўр истак туғилгани кўзларидан кўриниб турарди, лекин шунда, бу нарса менинг томонимдан ортиқча ҳаракат бўлмасмикан? Бачканалашиб кетмасмиканман? Обруйимни тушириб қўймасмикинман? деган фикрлар уни тўхтатиб қоларди. Ана шу хил ўйлар натижасида у ҳамавақт бир хил жимлик ваз'иятини сақлар, бир ҳижоли гапирганда ҳам ба'зи-ба'зида аллақандай овозларнигина чиқариб қўяр эди. Шундай қилиб, «жуда тунт одам» деган лақаб орттириб олганди. Бизнинг Акакий Акакиевичимиз ҳам ана шундай катта одамнинг олдига жуда ноқулай пайтда, ўзи учун жуда бевақт, аммо катта амалдор учун айна вақтида келганди. Шу вақтда катта амалдор бирнеча йиллардан бери кўришмаган эски бир таниши, ёшлигида бирга ўсган дўсти блан ўз кабинетида жуда ширин суҳбатлашиб ўтирган эди. Худди шу вақтда унга аллақандай бир Башмачкиннинг келганини айтдилар. «Ким экан?» ўзи деб сўради у шартта сўзни кесиб. «Аллақандай бир чиновник» деб жавоб берди.— «Ҳа! Қутиб турар, ҳозир вақтим йўқ»,— деди катта одам. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, катта амалдорнинг гапи ғирт ёлғон эди: унинг вақти бор эди. Икки дўст аллақачон ҳамма гапларини гапиришиб бўлганлар ва суҳбатларига узоқ-узоқ сукут оралай бошлаган, фақат аҳён-аҳёндагина бир-бирларининг сонларига уриб: «Ишлар шунақа денг, Иван Абрамович!» — Ҳа, шунақа гаплар, Степан Варламович!» деб қўйишарди, холос. Ҳақиқатда шундай бўлса-да,

кўпдан бери хизмат қилмай ва кўп вақтини қишлоқдаги уйида ўтказган ўртоғига, эшиги олдида чиновникларнинг қанчалик интизорлик тортганларини кўрсатмоқчи бўлиб, ҳалиги «кутиб турсин» деган буйруқни берган эди. Ниҳоят етарли даражада гапириб, ундан кўпроқ сукут қилиб олгандан кейин, сигарасини чекиб бўлгач, орқаси суянчиқли юмшоқ креслода ба'зўр ўтириб олиб, ниҳоят, гўё бирдан эсига тушиб қолгандек қилиб, арз қилиш учун қоғоз кўтариб кириб, эшик олдида кутиб турган мирзага: «Ҳа, айтгандай, ташқарида аллақандай бир чиновник кутиб турган эди шекилли, айтинг энди кираверса ҳам бўлади», деди. Акакий Акакиевичнинг бўйин эгиб туришини ва эскирган вицмундирини кўргач, бирдан унга томон бурилди: «Нима демоқчисиз?» — деб узук ва кескин бир овоз блан сўради. Бу хилда гапиришни эса, ҳозирги мансаби ва генераллик унвонини олмасдан бир ҳафта бурун, ўз уйида ойна олдида ўзи ёлғиз қолиб, қайта-қайта машқ қилиш орқасида ўрганган эди. Акакий Акакиевич элдан бурун кўрқувга тушганини сезиб, бироз гангиб олди, сўнгра кучи етганча ва тили эрк берганча сўз топиб, «унақа» деган сўз бўлагини бурунгидан ҳам кўра кўпроқ ишлатиб, яп-янги шинели бўлгани, энди уни инсофсиз бир йўл блан ўғирлаб кетилгани, эндиликда ундан обер-полицмейстерга¹ ёхуд бошқа бирор амалдорга хат ёзиб, шинельни топдириб беришга ёрдамлашсангиз деб илтимос қилгани келганини арз қилди. Генералга бундай арз қилиш, нима учун-

¹ *Обер-полицмейстер* — Чор россиясидаги катта шаҳарлардаги полиция бошлиғи.

дир, бачканалик бўлиб кўринди: «Нимаси бу, муҳтарам жаноб,— деб бўлиб-бўлиб гапга киришди у киши,— тартиб деган нарсани билмайсизми? Қаерга кирдингиз ўзингиз? Қай йўсинда иш юритилишини билмайсизми? Бу хусусда энг аввал аризани маҳкамахонага топширишингиз керак эди; ариза уердан столначальникка, ундан бўлим бошлиғига бериларди, кейин секретарьга берилади, ундан кейин секретарь аризани менга ўтказди...»

«Лекин, жаноби элийлари, — деди Акакий Акакиевич ўзини бор кучи блан дадилроқ тутишга уриниб, шу блан бир вақтда ўзининг терлаб-пишиб кетганини сезгани ҳолда: сизни безовта қилишга жур'ат қилганимнинг сабаби шуки, жаноби олийлари, бу секретарьлари анақа... я'ни ишониб бўлмайди...»

«Нима, нима, нима? — деди катта одам. Бундай дейишга қандай жур'ат қилдингиз? Қаердан юқтирдингиз бу хил фикрларни? Ёшлар орасида бошлиқлар блан катталарга қарши хезланиш деган нарса қаёқдан пайдо бўлади?» Катта одам Акакий Акакиевичнинг ёши элликдан ошиб қолганини, афтидан, пайқамади, йўқса Акакий Акакиевични етмиш ёшларга кирган бир одамга нисбатангина ёш бола деб аташ мумкин бўлар эди. «Бу гапларни кимга гапирётганингизни биласизми? Қаршингизда ким турганини англайсизми? Тушунасизми бунга? Тушунасизми буни? Сиздан сўраётирман. Шу ерда катта амалдор ер тепиниб овозини шундай авжига чиқардики, Акакий Акакиевичнинг ўрнида бошқа одам бўлганда ҳам кўрқмай иложи йўқ эди.

Акакий Акакиевич ҳам турган жойида қотиб қолди, а'зойи бадани бўшашиб кетди, бутун вужудини қалтироқ босиб, оёқ устида туролмай қолди; агар ўша онда қоровуллар етиб келиб ушлаб қолмасалар, гурсуллаб ерга йиқиларди; уни ҳушидан кетиб қолган бир ҳолда ёшикка олиб чиқдилар.

Қатта амалдор эса, бу иш кутганидан ҳам яхши чиққанига хурсанд бўлиб, айтган сўзлари кишини эсдан оғдириб қўяр даражада таъсирли бўлганидан завқланиб, ўртоғининг бу ҳодисага қандай қарашини билмоқ учун кўз қириблан унга қаради, ўртоғининг дудмол бир вазиятда қолганини, ҳатто унинг ўзидан чўчиброқ турганини кўриб, яна баттар хурсанд бўлди.

Акакий Акакиевич зинадан қандай тушиб, кўчага қандай чиққанини ерга билмас эди. Унинг на қўли ва на оёғида жон қолганди. Бутун умрида ҳечбир генерал томонидан, бунинг устига бегона бир генерал томонидан бу қадар қаттиқ сўкилмаган эди. У кўчаларда ҳуштак чалаётган қор бўронида, анқайганича, йўлкалардан гандираклаб четга чиқа-чиқа кетиб борарди; шамол, Петербург одати бўйича, тўрт томондан, я'ни барча кўчалардан чиқиб келиб унга ўзини урар эди. Бир нафасда томоқ оғриғи деган дардга грифтор бўлди. У бир оғиз ҳам гапираолмайдиган бир ҳолда зўрға уйига етиб келди; сўнгра томоғи шишиб кетиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Ба'зида қаттиқ сўкишнинг оқибати шундай бўлади! Эртасигаёқ Акакий Акакиевичнинг иситмаси кўтарилди. Петербург иқлимининг марҳамати орқасида касаллик кутилгандан ҳам тезроқ авж олиб кетди. Уни кўргали

келган доктор ҳам, томирини ушлаб кўргандан кейин касал, медицинанинг олижаноб ёрмидан бенасиб қолмасин деб, компрес буюришдан бўлак ҳеч илож топаолмади; аммо шу оннинг ўзидаёқ бир-икки кунлик умри қолганини айтди. Шундан кейин уй эгаси кампирга қараб: «Сиз, онажон, фурсатни ўтказмай, ҳозироқ, қарағайдан битта тобут буюриб қўйинг, чунки дубдан ясалгани бунга қимматлик қилади» деди. Акакий Акакиевич ўзи учун ўлимидан даоак беручи бу сўзларни эшитдими, башарти эшитган бўлса, бу сўзлар унга жуда қаттиқ таъсир қилдими ва шунда ўзининг аччиқ ҳаётига ўқиндими,— буниси маълум эмас, чунки у ҳамавақт иситма чангалида алаҳлаб жавлиб ётарди. Унинг кўзига доим бир-биридан қизиқ нарсалар кўринарди: гоҳ Петровични кўриб унга ўғрилари тутадиган қопқонли шинель буюриб турган бўлар, ўғрилар аксари кроватининг тагига беркиниб олгандай туюлар ва ҳатто кўрпаси ичига кириб олган бир ўғрини ушлаб олмоқ учун минут сайин уй эгаси кампирни чақирар, ўзининг янги шинели бор бўлгани ҳолда рўпарасида нега эски капоти осилиб турганини сўрар эди. Гоҳ бўлса, генералнинг қаршисида туриб, унинг сўкишларини эшитаётгандай ва шундай «жаноб олийлари, айбдорман» деб сўзлангандай бўлар: баъзида эса адабсиз сўзлар блан қаттиқ сўкинар эди. Умрида унинг оғзидан ҳечқачон бундай ёмон сўзларни эшитмаган уй эгаси — кампир ҳатто чўқиниб қўйди, нега десангиз бу сўкинишлардан кейин ҳар гал «жаноби олийлари» деган сўзлар келар эди. Сўнг-ра, унинг оғзидан бутунлай бемаъни сўзлар чи-

қаболлади, улардан ҳечнарсаси тушуниб бўлмасди; пала-партиш сўз ва фикрлар ўша шинель-атрофидагина бормоқда эди. Ниҳоят, бечора Акакий Акакиевич жон берди.

Ўлганидан сўнг унинг уйини ҳам, нарсаларини ҳам хатламадилар, нега десангиз, биринчидан, унинг меросхўрлари йўқ эди, иккинчидан, ундан қолган мерос жуда оз бўлиб: чунончи бир боғлам ғоз пари, бир даста подшолик (24 тахта) оқ қоғоз, уч жуфт пайпоқ, панталонидан узилган икки-учта тугма ва китобхонларга маълум бўлган машҳур капотдан иборат эди. Бу нарсаларнинг кимга текканини худо билди: гапнинг ростки, шу ҳикояни айтиб берган кишининг ўзи ҳам бунга қизиқмаган эди. Акакий Акакиевични аравага ортиб бориб кўмиб келдилар ва Петербург Акакий Акакиевичсиз қолди, гўё бу шаҳарда ундай одам ҳечқачон яшамагандек бўлди. Ҳечким томонидан ҳимоя қилинмаган, ҳечким қадрига етмаган, ҳечким унга қизиқмаган, ҳатто оддий пашшани ҳам игнага санчиб қўйиб, микроскоп билан кўрмай қўймайдиган табиатшуносларнинг диққатини ҳам ўзига жалб этмаган, маҳкамадагиларнинг эрмак қилиб кулишларини итоат билан кўтариб келган ва гўрга ҳам ҳечқандай фавқулодда бир иш қўзғатиб ўлтирмасдан жимгина кирақолган, ҳарҳолда, умрининг сўнгги кунларида бўлса ҳамки, фақир ҳаётини бир нафас жонлантирган ва азиз меҳмон каби кўниб ўтган ўз шинелининг гаштини суриб олган, дунёда кўп нашо ва ҳукмдорларнинг бошларига тушган синлари зўр бахтсизликни бошидан кечирган бир маҳлуқ кўздан ғойиб бўлди ва беркинди. У ўлган.

дан бирнеча кун кейин, тезлик блан идорага етиб келсин, бошлиқ чақираяпти, деган буйруқ блан департаментдан квартирасига қоровул келди; лекин қоровул қуруқ қайтишга мажбур бўлиб, энди келолмас экан, деб жавоб қилди; сўнгра «Нима учун?» деган саволга: «Нима учун бўлар эди, у киши ўлиб кетипти, бундан тўрт кун илгари кўмиб келишипти» деб жавоб берди. Акакий Акакиевичнинг ўлганини департаментдагилар мана шу йўл блан билдилар ва эртасигаёқ унинг ўрнига, бўйи ундан бироз баландроқ ва хати ҳам уникига ўхшаш текис бўлмасдан, бироз ётиқроқ ва қийшиқроқ бўлган бошқа бир чиновник келиб ўтирди.

Акакий Акакиевич ҳақидаги қисса шу блан тамом бўлмай, ҳечким назар-писандига келмаган ҳаёти эвазига ўз ўлиmidан кейин ҳам бирнеча кун шов-шув кўтариб яшашини ким ҳам тасаввур қилаоларди? Лекин худди шундай бўлди ва правардида бу ҳикоя кутилмаганда афсонавий бир тус олади. Петербургда, Калинин кўприги ва ундан нарироқларда кечалари чиновник қиёфасида мурда пайдо бўлиб, аллақандай ўғирланган шинелини қидираётганмиш, шу баҳонада ҳечкимнинг амали ва унвонига қарамай ҳамманинг устидаги шинелини: мушук терисидан тикилганими, қундуз ёқалиги, пахталиги, енот терисидан тикилгани, тулки терисидан ёхуд айиқ терисидан тикилган пўстинларгача борми ҳаммасини, хуллас одамлар ўз баданларини бекитиш учун ўйлаб чиқарган турли-туман мўйна ва териларни ҳеч суриштирмай шилиб олаётганмиш деган овозлар тарқалди. Департаментда ишловчи чинов-

миклардан бири мурдани ҳатто ўз кўзи блан кўрипти ва шу ондаёқ унинг Акакий Акакиевич эканини танибди; аммо лекин ундан шундай ўтакаси ёрилиб уриб қочибди, шу сабабдан уни яхшилаб кўраолмабди, фақат узоқдан унинг бармоғини ўхталиб «ҳаф, сеними» деб турганига кўзи тушиб қолибди. Кошки титутлярний советникларники бўлса, ҳатто тайний советниклар ҳам кечаси шинельларини ўғирлатиб қўйганликлари сабабли шамоллаб қолаётганлари ҳақида ҳар тарафдан бетўхтов аризалар ёғилаверди. Полиция маҳкамасида нима қилиб бўлсада, мурдани тирик ёхуд ўлик ҳолда тутиш, бошқаларга ибрат бўлсин учун қаттиқ жазолаш керак деган мазмунда буйруқ берилди. Бу буйруқни ижро этишларига сал кам жиндақ қолди. Қирюшкина кўчасидаги, аллақайси бир кварталнинг миршаби мурдани айни жинояти устида, я'ни бир вақтлари флейгачи бўлиб, ҳозир эса у хизматдан буткул кетган бир музикачининг эғнидаги фриздан тикилган шинелини шилиб олаётганида ёқасидан ғиппа бўғиб олади. Шундан кейин ўзининг икки шеригини чақириб, уларга мурдани ушлаб туринглар, дейди. Ўзи эса, умрида олти мартаба совуққа олдирган бурнига жон киргизиш учун энгашиб, этигининг қўнжига тиқиб қўйган тамакидонини олди; аммо лекин тамаки мурда ҳам тоб бераолмайдиган нав'идан бўлса керак, чунки миршаб бурнининг ўнг тешигини бармоғи блан беркитиб, чап тешиги блан ярим чимдим тамакини искар-искамас, мурдага шу қадар қаттиқ акса келдики, тамакини уччала миршабнинг ҳам кўзига учириб юборди. Улар

кўзларини муштлари блан ишқалагунларича мурда ғойиб бўлди. Улар мурдани ҳатто ушлаган ва ушламаганликларини ҳам билолмай қолдилар.

Шу-шу бўлдию миршаблар мурдалардан қаттиқ қўрқадиган бўлиб қолдилар, ҳатто тирикларни ҳам ушлашга қўрқиб қолиб, фақат узоқдан: «Ҳой, йўлингдан қолма!» деб қичқирадиган бўлиб қолдилар, чиновник мурда эса, ҳаттоки Калинин кўпригидан ҳам нариларга ўтиб, қўрқоқ одамларни қаттиқ ваҳимага соладиган бўлиб қолди. Лекин биз, аслида бўлиб ўтган бир воқиянинг афсонавий тус олишига сабабчи бўлган катта бир амалдорни бутунлай унутай дебмиз. Ҳаммадан бурун инсоф юзасидан шуни айтиб ўтмоқ керакки, Акакий Акакиевич койиш эшитиб чиқиб кетгандан сўнг, ўша катта амалдор бир қадар афсуслангандек бўлди. Унда ҳам шафқат қилиш асари йўқ эмас эди; рўёбга чиқишига аксари мартабаси йўл бермай туришига қарамай, унинг юрагида ҳам кўпгина яхшилик аломатлари йўқ эмас эди. Қишлоқдан келган дўсти кабинетидан чиқиб кетиши бланоқ у, бечора Акакий Акакиевич ҳақида ўйланиб қолди. Сўкиш ва койишларни кўтараолмаган Акакий Акакиевич ўша кундан бошлаб ҳар кун деярли унинг кўз ўнгидан кетмайдиган бўлиб қолди. Акакий Акакиевич тўғрисидаги фикр уни шу қадар ташвишга солдики, орадан бир ҳафта ўтгач, унинг ҳоли нима кечганини, ҳатто унга бирор ёрдам бериш керакми-йўқлигини билиб келиш учун чиновниклардан бирини юборишга ҳам жазм қилди; унга Акакий Акакиевичнинг иситмалаб қўққисдан ўлиб қолибди

дейнишганида, у жуда ҳанг-манг бўлиб қолди, виждони азобланиб, бутун кун кайфи алланечук бузилиб юрди. Бир қадар кўнглини ёзиш ва бу хунук хабарни унутиш мақсадида ошналарида бириникида бўлаётган зиёфатга жўнади. У ерда мансаб ва даражалари бир хил бўлган ўзига тенг улфатлар блан учрашди.

Бу нарса унинг аҳволига яхши таъсир қилди. У жуда ёзилиб ўтирди, ширин суҳбат қилиб, хушмуомала бўлиб, хуллас, кечани жуда яхши ўтказди. Кечки овқат олдидан кишининг баҳридиллини очиб кайф берадиган доридан, яъни шампанскоедан икки стакан ичиб олди. Шампанское унинг хаёлини кутилмаган ҳодисаларга чалғитди: у тўппа-тўғри уйига жўнаш ўрнига, ўзи дўстона муносабатда бўлиб юрган, немис наслидан бўлган Каролина Ивановна деган бир аёлникига бирров кириб ўтишга қарор берди. Ўрни келганда шуни ҳам айғиб ўтиш керакки, бу катта амалдор ёши анчага бориб қолган бола-чақалик бир одам эди. Унинг икки ўғли бўлиб, улардан бири маҳкамада хизмат қилар, бежиримгина қийғир бурун ўн олти ёшлардаги кўҳликкина қизи ҳар кун келиб отасининг қўлини ўпиб, bon jour рара¹ дер эди. Ҳали ёши у қадар ўтинқирамаган, бунинг устига ҳусни ҳам тузуккина бўлган хотини эса, аввал ўптириш учун ўз қўлини узатар, кейин қўлини бошқа томонга бир айлантириб, эрининг қўлини ўпар эди. Аммо катта амалдор, оилавий назокатлардан жуда мамнун бўлгани ҳолда, дўстона муносабатларда бўлиб юрши

¹ Салом, дада. — (франц.)

учун шаҳарнинг нариги қисмидан ёр тутишни ўзига муносиб кўрди. Бу топган ёри ҳуснда ҳам, ёшроқ бўлишда ҳам ўзининг хотинидан тузук эмас эди; лекин ёруғ дун'ёда шундай муаммолар бўладики, улар ҳақида бир нарса дейиш бизнинг ишимиз эмас. Шундай қилиб, катта амалдор зинадан тушиб, ченага ўтирди-да, кучерга: «Каролина Ивановнаникига ҳайда» деди-да, ўзи иссиқ шинелига яхшилаб бурканиб олиб, рус кишиси учун айна муддаодагидек бир вазиятда, я'ни ўзинг ҳечнарсга тўғрисида ўйламаганининг ҳолда бир-биридан: ширин хеллар бошингни чулғаб олаверадиған бир вазиятда жойлашиб ўтириб олди. У маза қилиб ўтирар, кечада бўлиб ўтган жам'и қизиқ ҳанго. маларни эслаб, бир гуруҳ одамларни қаҳ-қаҳлаб кулишга мажбур этган сўзларни ўзича аста-секин такрорлаб, ўзи ҳам ич-ичидан кулиб кўярди. Аммо ба'зан, худо билсин, қаердандир ва нима сабабдандир бирданига пайдо бўлгани нома'лум бўлган қаттиқ шамол қорни юзига келтириб уриб, шинелининг ёқасини елканга ўхшатиб кўтарар ёки бирдан ғайри табиий куч блан бошига ёпиб, шу блан бошини чиқариб олишга мажбур этиб, уни безовта қилар эди. Катта амалдор аллаким ёқасидан маҳкам ушлаганини бирданига ҳис қилди. Ўгирилиб қараб, тўзиган ёски вицмундир кийган, ўрта бўйли бир кишига кўзи тушди, ва у кишининг Акакий Акакиевич эканлигини таниб даҳшатга тушди.

Чинэвникнинг афти қордек оқариб кетган бўлиб, баайни мурдага ўхшар эди. Мурданинг оғзи қийшайиб, ўзидан гўр ҳидини анқитиб туриб: «А! Алоҳал гирибонингдан ушлаб олдим-

а! Меига сенинг шинелинг керак! Шинелимни
төндириб беришга ёрдамлашмаганинг бир са-
ри, яна устига устак қилиб мени тоза уришдинг,
оққинг, энди ўзингникини бер бу ёққа!» деган-
да катта амалдорнинг капалаги аввалгиси-
дан ҳам баттар учиб, даҳшатга тушди. Шўрлик
амалдорнинг жони чиқиб кетишига сал қолди.
Маҳкамахонада ва умуман ўзидан паст мансаб-
таги одамлар олдида нақадар ўжар бўлмасин
ва унинг басавлат гавдасини кўрган ҳарбир
кимса: «Зап одам эканми!» демасин, бу ерда у
ҳам паҳлавон савлат аксари кишилар сингари
шу қадар кўрқувга тушдики, ҳеч, бир сабабсиз-
несиз тутқаноқ касалига мубтало бўлиб қолма-
сайдим деб хавфсирашга тушиб қолди. У ўз
қўли блан шинелини дарров ечиб ташлади-да,
кучерга: «Жонинг бориचा уйга ҳайда!» деб
қичқирди, жон ҳалпида.

Одатда танг келган вақтларда ишлатилади-
ган, ҳатто ундан ҳам ғалатиноқ сўзлар блан
қўшилиб чиқадиган овозни эшитиб, ҳар эҳти-
молга қарши, бошини елкаси ичига тортди ва
қамчисини силкитиб, ўқдек учиб кетди. Олти
минутча ўтди деганда, катта амалдор ўз уйига
етиб келди. Қаролина Ивановнаникига бориш
ўрнига ранги ўчган ва кўрққан бир ҳолда,
шинельсиз уйига етиб келди-да, судралганича
ўз уйига кириб кетди, кечани шу қадар зўр
ташвиш ичида ўтказдики, эртасига эрталаб
нонушта маҳалида қизи тўғридан-тўғри: «Бу-
гун мунча рангинг кетиб қолипти, дада» деди.
Лекин отаси чурқ этмас, нима воқиа бўлгани-
ни, қаерда бўлганини ва қаерга бормоқчи бўл-
ганини ҳечкимга айтмас эди. Бу воқиядан у

жуда қаттиқ та'сирланди. У ҳатто ўз қўл остидаги кишиларга ҳам: «Қандай ботиндингиз, олдингизда ким турганини биласизми» деган ибораларни кам ишлатадиган бўлди, гапирганда ҳам, аввал гапнинг тагига етгандан кейингина гапирадиган бўлди. Лекин энг қизиғи шундаки, ўшандан бери мурда-чиновник кўринмайдиган бўлиб қолди: генералнинг шинели унга жуда боп келганга ўхшайди; ҳарҳолда, ҳеч ерда бировнинг шинелини шилиб кетипти, деган гаплар эшитилмай қолди. Аммо ишчан ва жонқуяр одамлардан кўплари кўнгиллари хотиржам бўлмасдан, шаҳарнинг узоқ-узоқ жойларида мурда-чиновник ҳамон кўриниб юрганини гапирардилар. Чиндан ҳам, Қоломенскийдаги миршаблардан бири бир уйнинг орқасидан арвоҳ чиқиб келганини ўз кўзи билан кўрипти; аммо ўзи анчагина кучсиз бўлгани учун, — бир маҳал аллақайси бир ҳовлидан югуриб чиқиб қолган каттагина чўчқа уни йиқитиб кетиб, атрофда турган извошчиқларни ўлгидек кулдиргандан бери, у барибир масҳара қилиб кулганлари учун улардан ярим тийиндан тамаки пули олган эди, — шундай қилиб, кучсиз бўлгани учун уни тўхтатаолмапдию, қоронғида унинг кетилан то арвоҳ ўгирилиб қараб ва тўхтаб, «Нима демоқчисан?» деб сўраб, тирик одамда ҳечбир учрамайдиган катта муштини дўлайтүргунча кетаверибди. Миршаб: «Ҳечнарс»а дегану, ўша заҳоти орқасига қайтган. Арвосҳнинг бўйи хили новча, мўйлаблари шопдек эди. У Обухов кўприги томонига йўл олиб, қоронғи тун бағрига кириб, кўздан гойиб бўлди.